

Ўзбекистон ва Қувайт қатор ҳужжатларни имзолайди



Ўзбекистон ва Қувайт инвестициялар, таълим ва илмий тадқиқотлар соҳаларида ҳужжатларни имзолайди.

7–10 февраль кунлари Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камилов бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Қувайт давлатида бўлади, деб [хабар қилди](#) ТИВ матбуот хизмати.

Ташриф дастуридан бош вазир шайх Жабер ал-Муборак ал-Ҳамад ас-Сабах, бош вазирнинг биринчи ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Сабах ал-Холид ал-Ҳамад ас-Сабах, Миллий мажлис Раиси Марзуқ Али Муҳаммад ал-Ғаним билан учрашув ва музокаралар ўтказиш ўрин олган.

Ўзбекистон делегацияси Ўзбекистон-Қувайт бизнес-форуми ва бошқа қўшма тадбирларда ҳам иштирок этади.

Ташриф давомида инвестиция, таълим ва илмий тадқиқот соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга йўналтирилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.